

Нофеъдан (рахматуллохи алайхи) кироат ўрганган бир киши шундай дейди: «Агар Имом Нофеъ тиловат килса, огзидан мушк хиди таралар эди. Мен у кишига: «Эй Абу Абдуллох! Эй Абу Рувайм! Сиз кишиларга тиловат килиш учун ўтирганингизда, атрофга хушбўй хид таралади», десам, у зот: «У пайт мен хушбўй нарса суртмайман ва бирор хушбўй нарсага якинлашмайман ҳам. Лекин мен тушимда Набийни (соллаллоху алайхи васаллам) кўрдим. Ул Зот огзимга Куръон тиловат килдилар, шу ондан буён огзимдан хушбўй хид келишини хис кила бошладим», деди». Мусайябий айтади: «Нофеъга: «Юзингиз ва яратилишингиз мунча ҳам гўзал?» деб савол берилганида, у: «Нечун бундай бўлмайин! Мен тушимда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) билан кўл бериб кўришиб, у Зотга Куръон ўкиб берган бўлсам», дедилар».

Нофеъдан ривоят килинади: «Ўтириб Куръон ўкиётган эдим, шу пайт Авн ибн Абдуллох ибн Утба ибн Масъуд олдимдан ўтиб колди ва менга: «Эй биродаримнинг ўгли! Качон тик туриб кироат киласан? Кариб, касал бўлиб колганингдами?» деди. Шундан кейин ўтириб кироат килмадим, качон кироатга тушсам, у икки кўзим олдида гавдаланиб турарди».